Ассемблер тили асосий тушунчалари. Ассемблер дастур кодини тузилиши. Ассемблер буйруқлар конструкцияси ва дерективалар. Формал тил ва грамматикалар. Формал тил ва грамматикаларнинг классификацияси. Тил синтаксиси ва семантикаси.

Компиляторнинг асосий фазалари, лексик таҳлил, синтаксис таҳлил, семантик таҳлил. Кодни генерациялаш, объект кодларнинг оптималлаштириш, дастурларнинг янги кўриниш уларни шакллантириш уеул ва алгоритмлари. Иловалар сервери, кичик сервер технологияси, интернет тармоқлари учун дастурий иловаларни яратиш уеулари ва технологиялари.

7.5.4.4. Операцион тизимлар ва лаборатория

Операцион тизимлар (ОТ) вазифаси: функцияси, ривожланиш босқичлари ва тарихи, ҳисоблаш тизимлари таркибий қисмлари, ХТ дастурий таъминоти синфлари, тизимли дастурий таъминот-операцион тизим, ОТ таърифи, ОТ кенгайтирилган машина синфатида.

ОТ ни синфларга ажратилиши: ОТ архитектураси (ядро, команда процессори, киритиш-чиқариш тизими, файл тизими), ОТ қуриш асосий принциплари, частотал, модуллилик, функционал таплов, стандартлик, кўчириб ўтказувчанлик, виртуаллаштириш, дастурий таъминотнинг танки қурилмалардан мустақиллиги, очиклик ва имкониятларни кўлини, мобиллик ва кавченлик принциплари.

ОТларда жараён ва ресурс тушуниши: ресурсларнинг умумий синфларга ажратилиши, жараён ҳолатлари ва ҳолат диаграммаси, узиллишлар механизми ва ахамияти, жараёнларни бошқариш, дискретли ва контекстлар, жараён дискретлори.

ОТларда хотирани бошқариш: хотира ва унинг ақси, виртуал адрес мажмуи, хотирани бошқаришнинг умумий принциплари, хотирани статик ва динамик бўлишлар бўйича тақсимлаш, сегментли, сахифаси, сегмент сахифали тақкид этиш, виртуал хотирани тақкид этиш уеулари.

Файл тизимлари: файл тизими функциялари ва маълумотлар иерархияси. FAT файл тизимлари, файлларни жойлаштириш жадвали, бошқа файл тизимлари, файл ва каталогларга мурожаат ва чегаралари.

Тармоқ OTлари: тармоқ OT таркиби, локал ресурсларни бошқариш воситалари, ўз шахсий ресурсларини ва хизматларини умум фойдаланишга бериш-сервер қисми, масофадаги ресурс ва хизматларга мурожаат воситалари, OT клиент қисми ва коммуникация қисми, тармоқ OTлари синфлари, тармоқ OTларини куриш вариантлари, бир хил мавқели ва ажратилган серверли тармоқ OTлари ишчи гуруҳ (бўлим), корхона (кампус) масштабдаги ва корпоратив тармоқлар.

Замонавий OTлари оиласи: асосий тушунчалар, архитектура хусусиятлари ва умумий характеристикаси, фойдаланувчилар уч даражали иерархияси, фойдаланувчи ингерфейси, жараёнлар бажарилиши, файл тизими Windows NT тармоқ OT и ва бошқа тармоқ OTлари билан қиёсий характеристикаси.

7.5.4.5. Компьютер архитектураси

Компьютер архитектураси ва уни ташкил қилишнинг асосий тушунчалари, компьютернинг эволюцияси (ривожланиши), лойихалаш услуги, унумдорликни баҳолаш, компьютер тизимларини ташкил қилиш.

Процессорлар: процессорлар ва шиналарнинг микроархитектураси, SIMD (Single Instruction, Multiple Data), MIMD (Multiple Instruction stream, Multiple Data stream) ҳисоблаш архитектуралари, марказий процессор архитектураси буйруқлари йўриқномаларининг тўпламлари, маълумотларнинг турлари, буйруқларнинг формати, адреслаш, процессорнинг буйруқларининг турлари. Ассемблер сатҳи.

Ахборотга ишлов бериш қурилмалари ва микродастури бошқариш: хотира иерархияси, виртуал хотира. Кэш – хотирани лойихалаш, киритиш/чиқариш архитектураси, узилиш ва DMA (Direct memory access), киритиш/чиқариш процессорлари.

Параллел ишлов бериш: параллеллик - маълумотларга ишлов бериш тезлигини ошириш йўллари сифатида, компьютерлар аппарат воситаларининг вазифалари, хотира иерархияси сатҳлари ва дастурларни тақдимлаш сатҳлари, конвейерли ва суперскаляр ишлаш. VLIW (Very Long Instruction Word) – архитектураси, хотиранинг умумий ресурсларига мурожаат қилиш технологиялари, NUMA (Non-Uniform Memory Access) архитектураси, параллел дастурлаш, кутубхоналар ва пакетлар, MPI (Message Passing Interface), Open MP (Open Multi-Processing), вектор – конвейерли архитектуралар, кластерли тизимлар.

Параллел алгоритмларни коммуникацион иш ҳажмини баҳолаш: оқимли ишлов беришнинг стандарт воситалари, параллел ҳисоблаш самарадорлигининг кўрсаткичлари, масалаларни компьютерлар ва процессорларга тақсимлаш, кўп процессорли тизимлар.

7.5.4.6. Алгоритмга кириш

Алгоритм тушинчаси. Алгоритм хусусиятлари. Алгоритмни тасвирлаш усуллари. Алгоритмни сўз-формула ёрдамида тасвирлаш, графика ёрдамида тасвирлаш, алгоритмик тиллар, операторли схемалар ва псевдакод.

Асосий алгоритмик тузилмалар. Алгоритмни ишлаб чиқиш тамойиллари.

Чизикли тузилишдаги, тармоқланувчи тузилишдаги ва циклик тузилишдаги алгоритмлар.

Турли маълумотлар тузилмалари билан ишловчи алгоритмлар.

Қидирув алгоритмлари. Тез қидирув, массивлардаги бинар ва кетма-кет қидирув, хешлаш, қидирувнинг бинар, тасодифий бинар, оптимал ва мувозанатга келтирилган қидирув алгоритмлари.

Тартиблаш ва саралаш алгоритмлари. Қидириш ва саралаш алгоритмларининг самарадорлигини баҳолаш, ички ва ташқи саралаш алгоритмлар мураккаблиги назарияси.

Алгоритмларни таҳлил қилиш алгоритмлари. Алгоритмларни яратиш усуллари, хотирани бошқариш алгоритмлари, хотирани зичлаштириш ва тозалаш.

Тьюринг машинаси тушунчаси. Тьюринг тезиси хакида маълумот. Тьюринг машинаси турлари. Тьюринг машинаси асосида таҳлил қилувчини қуриш, Табиий Марков алгоритмлари.

7.5.4.7. Маълумотлар коммуникацияси:

Маълумотлар базаси ва компьютер коммуникацион тармоқларига кириш. Маълумотларни узатиш муҳити. Сервер ва мижозлар, коммуникацион қурилмалар ва хизматлар, маълумотларни узатиш. Протоколлар.

Тармоқ концепцияси. Локал, глобал, шаҳарлараро масштабдаги тармоқлар. Тармоқни бошқариш ва хавфсизлик. Тармоқ операцион тизимлари.

Интернет, тармоқлараро боғланиш протоколлари. Транспорт протоколлари ва тармоқ хавфсизлиги хизматлари. Тармоқ қурилмалари (маршрутизатор, коммутатор) назорати.

Электрон бизнес тижорат – иловалар. Коммуникацион маълумотлар тижорати ва ҳаётий муаммоларини ечиш.

7.5.4.8. Linux операцион тизими

Linux да ишлаш, тизимда фойдаланувчиларни яратиш ва бошқариш, терминал ва буйруқлар сатри, ёрдам тизимидан фойдаланиш.

Файл тизимининг тузилиши. Файл тизимини бошқариш. Файл тизими билан ишлаш. Файл ва каталоглар билан ишлаш. Файл ва каталогларга мурожаат жараёнлари. Мурожаат ҳуқуқи. Жараён, файл ва каталоглардан фойдаланиш ҳуқуқларини бошқариш.

Файллар билан ишлаш, матнли маълумотлар билан ишлаш, буйруқлар қобиғи имкониятлари, SH дастурлаш тили, буйруқлар интерпретаторини бошқариш, матнли муҳаррирлар.

Тизимнинг юкланиш босқичлари, тизимгача бўлган юкланишлар, тизимнинг юкланиши, тизимни тўхтатиш.

Ташқи қурилмалар билан ишлаш, янги қурилмаларни тизимга ўрнатиш, қурилмаларнинг номларини бошқариш.

Конфигурация файллари, тизим конфигурация файллари, тизим хусусиятларини бошқариш.

Пакетларни бошқариш, дастурий пакетлар, боғланишлар, пакетларни ўрнатиш ва бошқариш.

Linuxда TCP/IP тармоғи, тармоқ протоколлари, TCP/IP протоколи, OSI модели сатҳлари.

Тармоқ ва сервер имкониятлар, тармоқни созлаш, тармоқ хизматларини бошқариш.

X11 график интерфейси, Linux тизимида график интерфейслар, X Windows System.

Амалий дастурлар; тармоқ; Офис дастурлари; график ва мультимедиа.

Эркин лицензия сиёсати. Linux тарихи: ядродан дистрибутивларгача: очик кодли дастурларнинг пайдо бўлиш тарихи. Linux тарихи.

7.5.4.9. Маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари:

Маълумотлар базалари асосий тушунчалари. Маълумотлар базаларини қуриш асослари, керакли ҳолатда ушлаб туриш ва фойдаланиш. Маълумотлар базаларини лойиҳалаш принциплари, амалга ошириш инструментал воситалари ва маълумотлар базаларини асосий технологияларини таҳлил қилиш. Маълумотлар базаларини ва маълумотлар базаларини бошқариш тизимларини қуриш асосий тушунчалари ва математик моделлар. Маълумотларни аниқлаш тиллари. Маълумотларга ишлов бериш тиллари. Процедуралар кенгайтмалар. Транзакциялар.

Маълумотлар базаларини бошқариш тизимларини админстрлаш. Маълумотлар базалари билан ишлаш инструментал воситалари. Маълумотлар базалари билан ишловчи амалий дастурларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш.

7.5.4.10. Компьютер тармоқлари

Компьютер тармоқларининг қурилиш тамойиллари. «Клиент-сервер» технологияси. Компьютер тармоқларининг топологиялари. Очик тизимларни ўзаро ишлашининг эта-

лон модели (ISO/OSI). TCP/IP (Transmission Control Protocol/Internet Protocol) протоколлари. TCP/IP протоколларини ISO/OSI модели сатҳлари билан таққослаш.

Компьютер тармоқларининг классификацияси. Локал, шаҳар ва глобал компьютер тармоқлари (LAN, MAN, WAN). Физик сатҳда маълумотларни узатиш. Алоқа чизикларининг хиллари ва уларнинг асосий характеристикалари. Канал сатҳида маълумотларни узатиш. Асинхрон ва синхрон узатиш. Каналларни ва пакетларни коммутациялаш.

Локал компьютер тармоқлари. IEEE 802.x (Institute of Electrical and Electronics Engineers) стандартларининг тузилиши ва таркиби. CSMA/CD (Carrier Sense Multiple Access With Collision Detection) уланиш усули. IEEE 802.3 /LLC (Logical Link Control) кадрининг формати. Ethernet, Fast Ethernet ва Gigabit Ethernet технологиялари. IEEE 802.11 симсиз локал тармоқлари. IEEE 802.11 стандарти локал тармоқлари топологиялари ва протоколлар стеки.

Локал компьютер тармоқларини структуралаш. Кўприклар ва коммутаторларининг ишлаш принциплари. Коммутаторларни қўллаш чизмалари. Виртуал тармоқлар.

TCP/IP стеки протоколлари. Маршрутлаш принциплари. TCP/IP протоколлари асосида ўзаро ишлашни ташкил этиш. IP протоколи. TCP ва UDP (User Datagram Protocol) протоколлари.

IP-тармоқларда адреслаш. IP-адресларнинг синфлари. IP-адреслашда маскалардан фойдаланиш. IP-адресларни тақсимлаш. Тармоқнинг боғламларга IP-адресларни бериш. IP-пакетнинг тузилиши.

Глобал компьютер тармоқлари технологиялари. Транспорт хизматлари ва глобал тармоқ технологиялари. ATM (Asynchronous Transfer Mode) технологияси.

Тармоқ хавфсизлиги асослари. Тармоқни химоялаш воситалари. Аутентификациялаш принциплари. Тармоқ сатҳида маълумотларни шифрлаш. SSL (Secure Sockets Layer) протоколи.

7.5.4.11. Маълумотлар базаси хавфсизлиги

Маълумотлар базасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва механизмларини ташкил этувчиларининг умумий тавсифи. Маълумотлар базасини химоялаш ва фойдаланишларни чеклаш.

Маълумотлар базаси файлларини химоялаш. Маълумотлар базасида химоялаш паролини ўрнатиш ва ўчириш. Фойдаланувчилар даражасида химояланган маълумотлар базасини администрациялаш. Маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар роллари ва роллар шажараси тўпламини администрациялаш. Марказлашган кўпфойдаланувчили автоматлаштирилган ахборот тизимининг маълумотлар базаси хавфсизлиги.

Маълумотлар базаси бошқариш тизимида хавфсизлик аудитини ўтказиш хусусиятлари. Маълумотлар базасида захирали нусха олишининг асосий турлари. Маълумотлар базасини бошқаришнинг замонавий тизимларида репликаларни синхронизациялаш жараёни; маълумотлар базасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳаси стандартлари ва техник спецификациялари. Маълумотлар базаси бошқариш тизимини химоялаш профиллари.

7.5.4.12. Web иловаларни яратиш

Веб иловалар тушунчаси, уларнинг турлари. Мижоз томонида веб ишланмалар ишлаб чиқиш асослари. Статик веб саҳифалар ишлаб чиқиш. HTML асослари. Стиллар каскадли жадвалларидан фойдаланиш – CSS. Сценарийли тиллар Java Script. Сервер томонида веб иловалари ишлаб чиқиш.

Сервер томонида веб иловаларни ишлаб платформалари – LAMP/WAMP, ASP.NET, JSP/JSP. Веб иловаларда маълумотлар базаларидан фойдаланиш воситалари – MySQL, MSSQL, Oracle, AJAX технологиялари. Веб ишланмалар инструментлари Денвер, XAMPP, NetBeans, Eclipse, MS Visual WEB Developer, MS SharePoint Designer ва бошқалар.

Веб ишланмаларда тайёр счимлардан фойдаланиш: шаблонлар (PEAR etc), фреймворлар (CodeIgniter, Kohana, CakePHP, Yii, Zend, MS ASP.NET MVC, Spring.

Hibernate) контентни бошқариш тизимлари, веб-сервисларни шахсий фреймвор ва бошқа типдаги веб-иловаларни ишлаб чиқиш.

7.5.4.13. Бизнес тизимлар таҳлили ва лойиҳалаш

Фанга кириш. Дунё бизнес тизимларининг таҳлили. Қизиқиш уйғотган томонларни лойиҳасини тузиш ва бошқариш, тизимли таҳлил тушунчаси, тизим учун таҳлилий фаза ва талаблар.

Тизимларни таҳлил қилиш ва лойиҳалаш усуллари, ҳолатларнинг таҳлили натижаларини қўллаш, тизимни таҳлиллашнинг ва лойиҳалашнинг альтернатив усуллари.

Тизимни лойиҳалаш: тизим, мақсад, тақдимий изланишлар, маълумотларни моделлаштириш жараёни, функциональ моделлаштириш, тузилмавий моделлаштириш, ҳолатлар бўйича моделлаштириш, намунавий текшириш ва дизайн.

Маҳсулот ва интерфейсни дизайн, архитектурали дизайн ва тадбиқ этиш, бошқарувчи тизим ва амаллар, бизнеснинг келажаги. Тизим: мажмуа, тизимни мослашувчан хусусиятда ишлаб чиқиш, тизимни тадбиқ этиш: кафолат, сифат, иловаларни ишлаб чиқиш, ҳужжатлаштириш, ўрнатиш, баҳолаш, тизимли амаллар.

7.5.5. Қўшимча ихтисослик фанлари

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ихтисослик фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиш ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.

7.5.6. Малака амалиётлари

Талабалар компьютер инжиниринги бўйича назарий билимларни мустаҳкамлайдилар, келгусида махсус фанларни ўзлаштириш ва улар бўйича чуқур билим олиш учун ахборот-коммуникация технологияларининг дастурий-аппарат воситаларини ишлаб чиқаришда технологик жараёнларини ўрганадилар.

Ўқув амалиёти

Талабаларнинг касбий тайёрлашда ўқитилган фанлардан олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологияларида техник параметрларини аниқлаш, алоқа қурилмаларида таъминот тизимлари билан танишиш, техник қурилмаларда фаол ва суёт элементлар ва уларнинг турлари билан танишиш, турли ҳимоялаш таҳдидлари ва хатарларини ўрганиш, техник асбоблардан фойдаланиш кўникмаларини олиш, техник қурилмалардаги носозликларни аниқлаш ва уларни таъмирлаш, техник қурилмалардан техник фойдаланишда биринчи навбатда ҳаёт хавфсизлиги нуқтаи назаридан эътибор бериши керак бўлган ҳолатларни ўрганадилар.

Ишлаб чиқариш амалиёти

Талабалар томонидан ахборот-коммуникация тармоқларида компьютер тармоқлари архитектурасини лойиҳалаштириш ва қуриш, ахборот-коммуникация тизимларини техникавий таъминланганлигини ва уларнинг ишлаш технологик жараёнларини ўрганиш, замонавий техникавий воситалар билан танишиш ва ўрганиш, корхона ва ташкилотларда ҳамда компьютер инжиниринги соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқишни ўрганадилар.

Битирув олди амалиёти

Талабаларни бевосита давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш, ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, битирув ишини бажариш учун керакли бўлган маълумотларни тўплаш, соҳа мутахассисларидан маслаҳатлар олиш, амалий кўникмаларни эгаллаш ҳамда жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш усуллари билан танишишдан иборат.

7.5.7. Битирув иши

Битирув иши мавзулари соҳанинг ривожланиш истикболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув ишининг мавзулари технологик, лойиҳавий ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иши топшириғи, одатда талабаларга учинчи курс тугатганидан кейин берилади. Битирув малакавий иши умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишнинг ҳажми бакалаврлар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

8. Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар

8.1. Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар

8.1.1. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМ таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

8.1.2. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғарақларда, талабаларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

8.1.3. Ўқув жараёнининг машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шакллари ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талаба контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

8.1.4. Талабалар ўқув юкламасининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан кўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

8.1.5. ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

8.1.6. Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириши, талабалар учун танлов фан(модуль, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

8.1.7. Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши

5330500 – *Компьютер инжиниринги* (“Компьютер инжиниринги”, “АТ-Сервис”, “Ахборот хавфсизлиги”, “Мультимедиа технологиялари”) бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланган таълим технологиялари, ахборот-коммуникация технологиялари ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши лозим.

Малакавий амалиётлар замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИларда ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув иши ҳимоя қилади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

8.3. Малака амалиётларини ташкил этиш талаблари

Амалиётлар бакалаврият таълим дастурининг мажбурий бўлаги ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ўқув, ишлаб чиқариш ва битирув иши олди амалиётларини ўз ичига олади.

Ўқининг иккинчи йилида ўқув амалиёти ўтказилади. Бунда талабалар ОТМ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа давлат ва нодавлат илмий-тадқиқот муассасалари лабораторияларининг мавзулари ва уларда илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда талабаларни мос йўналишдаги муассасаларга ишга жойлаштириш имкониятлари билан таништирилади. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш меъзонлари асосида баҳоланади.

Ишлаб чиқариш амалиётида талабалар ташкилот ва корхоналаридаги технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари, уларни йиғиш ва созлаш, техник параметрларини ўлчаш усуллари билан танишадилар. Ахборот-коммуникация тизимларини аппарат-дастурий воситаларини лойҳалаш жараёнлари билан танишадилар. Амалиёт ўтаётган корхона ташкилий тузилмаси билан танишадилар, корхоналарда меҳнат муҳофазаси хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ўрганиб чиқадилар.

Битирув олди амалиётда талабалар битирув малакавий иши учун маълумотлар йиғадилар, АКТ соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ва бошқарув фаолиятини таҳлил қиладилар ҳамда ривожлантириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқадилар.

Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларида таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустақамлашга кўмаклашади. У битирувчини 8-семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини касбий (маҳсус) циклнинг базавий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва ҳимоя қилинишини, талабаларнинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув ишни кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил қилнишида қуйидагилар билан таъминланиши керак:

- курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда талабаларни иш жойи билан таъминлаш;
- ОТМнинг АРМда мустақил илмий-тадқиқот ишни олиб бориш имкониятини тақдим этиш;
- талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;
- талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа ОТМларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шуниингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалаврият ўқув жараёнини ташкил этишда илмий-педагогик, илмий ёки илмий-услубий фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ўқитувчиларга жалб этилиши мумкин.

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар белгиланган тартибда малакаларини ошириб боришлари лозим.

8.5. Таълим жараёнини ўқув-услубий ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури таълим дастурининг барча ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-услубий ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир ўқиётган таълим дастуридаги фан (модуль)ларининг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва кутубхона фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир ўқиётган ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи касбий циклниинг ҳар бир фани бўйича ўқув ва ўқув-услубий чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий адабиёт фонди охириги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иқтисодий циклниинг базавий фанлари учун – охириги 5 йилда) чоп этилган барча циклларининг базавий қисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар (камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва кидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

5330500 – *Компьютер инжиниринги* (“Компьютер инжиниринги”, “АТ-Сервис”, “Ахборот хавфсизлиги”, “Мультимедиа технологиялари”) таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- фанларни ўқитишда презентация материалларидан кенг фойдаланиш;

- ўқитишнинг интерфаол услуги;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқитишни дифференциациялаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;
- дастурий ўқитиш технологияси;
- ўқитишнинг комплекс услублари (лойихавий услуб, тармокли режалаштириш услуги, ақлий хужум, ассоциограммалар услуги ва ҳ.к.).

8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техник базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машғулоти хамда курс иши (лойихаси), амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қоидалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техник базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг зарур бўлган минимал моддий-техник базаси:

- маъруза (оқим ёки гуруҳлар) аудиториялари;
- семинар ва амалий машғулоти учун аудиториялар;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар;
- ўқув машғулотида иллюстратив материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар;
- амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари;
- интернет тармоғидан фойдаланиш унун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари;
- семинар машғулотларини ўтказиш хамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши лозим.

9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

9.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат – ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

якуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув малакавий иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоат назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланган кадрлар сифатини баҳолаш кадрлар истеъмолчилари томонидан уларнинг меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

9.4. Якуний давлат аттестацияси бакалавр битирув малакавий иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги низом асосида белгиланади.

9.5. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;
- ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-услубий адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўқув жараёнининг моддий-техник таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

10. Эслатма

10.1. Олий таълим муассасасига:

- ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкмасини оширмасдан ўқув материални ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокга кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;
- ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

10.2. Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

10.3. ДТСни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

10.4. 5330500 – *Компьютер инжиниринги* (“Компьютер инжиниринги”, “АТ-Сервис”, “Ахборот хавфсизлиги”, “Мультимедиа технологиялари”) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ҳафталик аудитория ўқув юкмаси - 32 соат бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

11.1. ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати – камида 5 йил.

11.2. Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТСнинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

5330500 – Компьютер инженеринги (“Компьютер инженеринги”, “АТ-Сервис”, “Ахборот хавфсизлиги”, “Мультимедиа технологиялари”) бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилishi

Т.р.	Ўқув фанлари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари	Умумий юкламанин хажми, соатларда
1.00.	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1102
2.00.	Математик ва табиий-илмий фанлар	1836
2.01	Олий математика. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика.	410
2.02	Дискрет математика. Сонли усуллар ва дастурлаш	206
2.03	Физика	360
2.04	C++да дастурлаш	470
2.05	Тизимли моделлаштириш ва лойиҳалаш асоелари	92
2.06	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва Экология	76
2.07	Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш	122
2.08	Олий математиканин махсус бўлимлари	100
3.00	Умумқасбий фанлар	661
3.01	Рақамли магниткий қурилмаларни лойиҳалаштириш	181
3.02	Маълумотлар тузилмаси	130
3.03	Бизнес бонкарув асоелари	130
3.04	Ахборот хавфсизлиги	118
3.05	Таълим фанлари	102
4.00	Иқтисоеллик фанлари	1909
4.01	Мухандислик психологияси	120
4.02	Дастурлаш тамойиллари	114
4.03	Тизимли дастурлаш	186
4.04	Операцион тизимлар ва лаборатория	186
4.05	Компьютер архитектураси	172
4.06	Алгоритмга кириш	114
4.07	Маълумотлар коммуникацияси	136
4.08	Linux операцион тизими	150
4.09	Маълумотлар базасини бонкарини тизимлари	135
4.10	Компьютер тармоқлари	152
4.11	Маълумотлар базаси хавфсизлиги	128
4.12	Web-иловаларни яратиш	172
4.13	Бизнес тизимлар таҳлили ва лойиҳалаш	144
5.00	Қўшимча иқтисоеллик фанлари	1836
	Жами	7344
	Малака амалиётлари	864
	Ўқитиш иши	270
	Аттеестация	1026
	Жами	2160
	ҲАММАСИ	9504

Эслатма: Ушбу таълим дастурининг фанлар таркибига ва уларнинг умумий юкламалар хажмига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Библиографик маълумотлар

УДК 002:651.1/7

Гуруҳ Т55

ОКС 01.040.01.

Таянч сўзлар:

ахборот, ахборот технологиялари, ахборот тизимлари, ахборот жараёнлари, дастур, дастурлаш, дастурлаш технологиялари, алгоритмлар, тармок, глобал ва локал тармоқлар, ахборот хавфсизлиги, ахборотни ҳимоялаш, компьютер тизимлари, компьютер тармоқлари, интерфейс, маълумотлар тузилмалари, компьютер тизимлари архитектураси, расмий тиллар ва грамматикалар, компиляторлар, таҳлилловчилар, тизимли дастурлар, маълумотлар базалари, маълумотлар моделлари, инфологик ва реляцион моделлар, математик модел, моделлаштириш, операцион тизимлар, файл тизимлари, хотира, виртуал жараёнлар, жараён ҳолати, бошқариш, бошқариш объектлари, суний интеллект, суний интеллект тизимлари, тизимли таҳлил, тизим структураси, объектли дастурлаш, мультимедиа, мультимедиа тизимлари, мультимедиа технологиялари, электрон ҳукумат, рақамли интеграл схемалар, Web-иловалар.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари ,

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази

Директор  **Б.Х. Рахимов**

2014 йил «13» феврал

М.Ў.

Тошкент ахборот технологиялари университети

Ректор  **Х.А. Мухитдинов**

2014 йил «12» феврал

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш
ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Раис  **Х.М. Мирзахидов**

2014. 14. феврал.

М.Ў.

АКТ Бошқармаси

Бошлик  **О.М. Умаров**

2014 йил «14» феврал

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Давлат тест марказида
экспертизадан ўтказилди



Директор Б.М.Исмаилов

2014 йил « 18 » февралда.

М.ў.

Эксперт гуруҳи аъзолари:

Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
Исмаилов М.ў.	ДТМ бўлими бошқаруви	
Селимов Ф.У.	ТДТҲ, Т.Ф.Н., доцент	

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Хузуридаги Давлат Тест Маркази
2014 йил 18 февралда